# Qishloq hayoti

2013 йил — Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 3-MAY, JUMA, 56 (8137)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Биринчи ишловни бундан кейинги барча агротехник тадбирларнинг пойдевори, дейиш мумкин. Шундай экан, ҳар бир механизатор биринчи ишлов — биринчи культивациялашни сифатли ўтказиши, бунда культиваторнинг ишчи қисмларини тўғри танлаб, қатор ораларига тўғри жойлаштириши, тракторни секин ҳайдаб, қатор ораларини саёз юмшатишга эришиши лозим. 2



Айни пайтда юртимизнинг қай гўшасига борманг, кўркам, қулай, замонавий уй-жойлар қишлоқларимиз жамолига ҳусн қўшаётганининг гувоҳи бўласиз. Ушбу ишларнинг асосида инсон манфаатлари устуворлиги, аҳолига қулай шарт-шароит яратишдек эзгу мақсад мужассамдир. 3



Қарши шаҳрида Республика маданият ва истироҳат боғлари директорлари жамоатчилик кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Жиззах ҳамда Қашқадарё вилоятлари маданият ва истироҳат боғларининг 2013 йилги мавсумга тайёргарлиги таҳлил этилди. 4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА




► Ўзбекистон Республикасининг Италиядаги элчихонасида "Обод турмуш йили" Давлат дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши мавзуига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда аҳоли даромадларининг барқарор ўсишини таъминлаш, бандлик даражасини янада ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, шунингдек, аниқ мақсадга йўналтирилган ижтимоий ҳимоя тизимини янада такомиллаштириш "Обод турмуш йили" Давлат дастурининг асосий йўналишларидан бири эканлиги таъкидланди.

► **Мамлакатимизга ташриф буюрган БМТнинг Чўлланишга ва қурғоқчиликка қарши курашиш конвенцияси ижрочи котиби Люк Гнакаджа Ўзбекистон Экологик ҳаракати, экология ва тиббиёт соҳасида фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари билан учрашди. Учрашувда Конвенция котибияти фаолияти ҳамда Ўзбекистондаги экологик йўналишдаги нодавлат нотижорат ташкилотларининг Миллий ҳаракатлар дастурини амалга оширишдаги иштироки ҳақида батафсил фикр алмашилди.**

► Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманида фермерлар кенгашлари фаолиятини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ерларидан унумли фойдаланиш ҳамда тупроқ унумдорлигини ошириш масалаларига бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди.




# ЮТУҚЛАР НАМОЙИШИ ВА ҲАМКОРЛИК МАЙДОНИ

## ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ» МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАЛАР МАЖМУИДА КОММУНАЛ СОҲА, ТРАНСПОРТ, КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ ҲАМДА ҚУРИЛИШ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ТАРМОҚ САНОАТ ЯРМАРКАСИ ВА КООПЕРАЦИЯ БИРЖАСИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА

Мамлакатимизда ўтказилаётган саноат ярмаркаси ва кооперация биржалари тармоқлараро ишлаб чиқариш кооперациясини кенгайтириш, тармоқ ичида ишлаб чиқариш алоқаларини мустаҳкамлаш, импорт ўрнини босадиган ва экспортбоп тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ярмарка ва биржалар давомида тузилаётган шартномалар ҳажми ҳамда иштирокчиларнинг сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Жумладан, 2012 йилда коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ҳамда қурилиш саноати корхоналарининг тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида умумий қиймати 49,1 миллиард сўмлик 31 та шартнома тузилган эди.



Бу галги тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида 115 та йирик корхона, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари қатнашмоқда. Улар орасида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компанияси, "Ўзмонтажмахсусқурилиш" уюшмаси, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси, "Ўзавтойўл" давлат акциядорлик компанияси ва бошқа корхона ҳамда ташкилотлар бор.

Истиқлол йилларида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бирига айланди. 2012 йил якунлари бўйича соҳада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 796 миллион АҚШ долларидан ошди. Ушбу муваффақиятларга эришишда ўз таркибига бир юз йигирмадан ортиқ корхонани бирлаштирган "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компаниясининг алоҳида ўрни бор. Ярмаркада юртимизда ишлаб чиқарилаётган қурилиш маҳсулотлари намуналари намойиш этилмоқда.

**(Давоми 2-саҳифада)**




Бухоро Вилояти

## РАБОТИҚАЛМОҚДАН ЭКСПОРТГА

**"Buxoro shaten clean" Бухоро туманидаги Работиқалмоқ қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамият бўлиб, у кир ювиш кукуни ишлаб чиқаришга ихтисослашган.**

Хитой технологияси асосида жиҳозланган, 38 нафар йигит-қиз меҳнат қилаётган мазкур корхонада бир кеча-кундузда 7 турдаги 10 тоннага яқин маҳсулот ишлаб чиқарилади ва қадоқланади. Эндиликда корхона маҳсулотларининг бир қисми экспорт қилинмоқда.

– Корхонамизга Хитойдан яна янги замонавий технология келтириб ўрнатиш ва йилига 3500 тоннагача маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштираяпмиз, – дейди корхона раҳбари Мурод Саидов. – Шунингдек, маҳсулотларимизга Қозоғистон, Туркманистон ва бошқа давлатлардан буюртмалар келиб тушмоқда. Бу эса экспорт ҳажмини янада ошириш имконини беради.

Работиқалмоқ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Давлат Сайфуллаевнинг таъкидлашича, ҳудудда бу каби ўндан ортиқ ишлаб чиқариш корхоналари самарали фаолият кўрсатмоқда.

**Ҳамроз АЛИ**

Қашқадарё Вилояти

## ИСТЕЪМОЛГА ТЕЖАМКОР ЛАМПАЛАР

**Деҳқонобод туманида "Шўртангазкимё" мажмуасига қарашли энергия тежовчи лампалар ишлаб чиқариш цехи иш бошлади. Натижада 40 нафарга яқин киши иш билан таъминланди.**

Ҳозирги кунда цех ишчилари томонидан истеъмолчиларга етти турдаги маҳсулот етказиб беріляпти. Ушбу энергия тежовчи лампаларнинг ишлаш муддати 10 минг соатгача бўлиб, оддий лампалардан саккиз баробар кўп хизмат қилади.

Айни пайтда цеҳда кунига 2000 дона ана шундай лампалар ишлаб чиқариляпти. Эътиборли томони, цеҳда асосан маҳаллий ёшлар меҳнат қилишмоқда.

**Ҳусан ТЕМИРОВ**

Сирдарё Вилояти

## ТУМАНДА ЯНГИ МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБИ

**Сирдарё туманида 150 ўринга мўлжалланган икки қаватли мусиқа ва санъат мактабининг янги, кўркам биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида бунёд этилган бинода мутахассис ва ўқувчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ўқув хоналари қўшимча чолғу асбоблари ва бошқа жиҳозлар билан тўлдирилганлиги машғулотлар самарадорлиги янада ошишини таъмин этди. Бинонинг биринчи қаватида ошхона, 200 ўринли концерт зали ҳам ишга туширилди.

Янги бино фойдаланишга топширилиши билан мактабда қўшимча яна тўртта — театр актёрлиги, амалий санъат, зарбли ва урма созлар ҳамда анъанавий созандалик йўналишлари ҳам фаолият кўрсата бошлади.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ**

Хоразм Вилояти

## САРАПОЁННИНГ САРА СПОРТЧИЛАРИ

**Мамлакатимизда болалар спорти ривожига қаратилаётган эътибор натижасида Хонқа тумани Сарапоён қишлоғида ҳам болалар спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

Мажмуада 15 нафар олий ва ўрта махсус маълумотли мураббий фаолият юритмоқда. Уларнинг 6 нафари хотин-қизлардир. Мажмуада қишлоқ ҳудудидаги 3 та умумтаълим мактаби ва Иқтисодиёт коллежи ўқувчиларидан 386 нафари ўқишдан бўш вақтларида спортнинг 28 тури билан шуғулланадилар. Ёшлардан Хайрулла Ҳасанов халқаро миқёсдаги бокс мусобақаларида қатнашиб, совринли ўринни эгаллаган бўлса, Расулбек Дўстжонов, Жалолиддин Одамбоев, Паҳлавон Сотимов, Фаррухбек Умаровлар ўтган йили Тошкент вилоятида ўтказилган дзюдо бўйича мамлакат очиқ чемпионатида 3-ўринга сазовор бўлдилар. Мажмуада Гулмира Сафарова, Нодира Оллоқулова сингари мураббийлар 82 нафар қизга бадиий гимнастика сирларини ўргатмоқда.

**Холмурод ҚУРБОНОВ**

Тошкент Вилояти

▼ ТОМОРҚА — ДАРОМАД МАНБАИ

# ОБОДЛИК БОР ЖОЙДА БАРАКА БОР

## ҲАМЮРТЛАРИМИЗНИНГ ЕРГА БЎЛГАН МУНОСАБАТИ БУТУНЛАЙ ЎЗГАРИБ, УНДАН ҲАР ТОМОНЛАМА УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ ВА БУ ЖАРАЁН ТОБОРА ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Тошкент вилояти Янгийўл тумани аҳолиси ҳам ердан самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Бу оилалар даромадини ошириш, турмуш ободлиги ва аҳоли бандлигини таъминлаш, бозорларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари мўллиги ва нархлари барқарорлигини сақлаш имконини бераётир.

Туманда аҳоли ихтиёрида бўлган беш минг гектардан ортиқ ерга мева-сабзавот, полиз ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари экилиб, улардан юқори ҳосил олинаётир.

Янгийўлликлар Тошкент шаҳри бозорларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан, турли кўкатлар билан тўлдиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда.

"Ниёзбош" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Гулистон, Пахта, Намуна, Гулбоғ, Иттифоқ, Маданият маҳаллаларида истиқомат қилувчи аҳолининг аксарияти томорқасида кашнич, шавил, редиска, кўк пиёз, петрушка каби экинларни етиштиради.

Иттифоқ маҳалласида яшовчи Ҳикматилла Неъматов оиласи томорқасига кўкат экиб, катта даромад олаётган, кўпчиликка ҳар жиҳатдан ибрат бўлаётган хонадонлардан бири.

Ҳикматилла аканинг айтишича, кашнич, кўк пиёз ҳамда шавил каби кўкатлар 40-50 кунда етилади, ердан йилига 3-4 марта ҳосил олиш имкони бор. Бу жараёнда экинни алмашлаб экиш, зарур агротехник тадбирларни вақтида бажаришга алоҳида эътибор қаратилади.

Тажрибали деҳқонларнинг айтишича, бир квадрат метр ердан тахминан юз боғ кўк пиёз олиш мумкин. Неъматовлар томорқасининг бир сотихида шу турдаги экин етиштирилмоқда. Эрта-индин унинг иккинчи ҳосили йиғиб олинади. Хонадон аъзолари бир сотих ердан яна ўн минг боғдан зиёд маҳсулот чиқишини мўлжалламоқда.

Ҳикматилла аканинг томорқасидаги уч сотих иссиқхонадан йилига камида 2-3 маротаба ҳосил олинади. Шунинг ўзиёқ кичик томорқадан катта даромад қилиш мумкинлигини кўрсатиб турибди.

– Биз кўкат етиштиришдан ташқари, чорва моллари парвариши билан ҳам шуғулланамиз, – дейди Ҳ.Неъматов. – Ҳозир 3-4 бош қорамол ва йигирма бошга яқин қўй-қўзимиз бор. Шунингдек, паррандачиликни ҳам ривожлантирмоқдамиз. Юртбошимиз таъкидлаганидек, фақат томорқадан олинадиган даромад ёки олди-сотди ишларига кўз тикиб яшаш бизга энди ярашмайди.

Дарҳақиқат, Неъматовлар оиласининг турмуш фаровонлиги йил сайин ошиб бораётир. Ойлик маош, томорқачилик, чорвачилик ва паррандачиликдан келадиган даромад фарзандлар таълим-тарбияси, уйда яратилган шарт-шароитларни янада яхшилашга сарфланмоқда.

Ҳикматилла ака турмуш ўртоғи Кароматхон опа билан уч ўғил, бир қизни тарбиялаб вояга етказди. Барини оилали, уйли-жойли



Рашид ГАЛИЕВ (Qishloq hayoti) олган сурат.

қилди. Улар оиланинг мустаҳкамлиги ва фаровонлиги ҳалол меҳнат, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликда, деб билади.

– Мамлакатимизда қарор топган тинчлик ва осойишталик, давлатимиз раҳбари томонидан биз, қишлоқ одамларига яратиб берилаётган кенг имконият ва имтиёзлар туфайли обод ва фаровон ҳаёт кечирмоқдамиз, – дейди Каромат опа. – Бу улуғ неъматни кўз қорачиғидек асраш, қадрига етиш барчамиз учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Жиззах Вилояти

ФЕРМЕР ТАЖРИБАСИ

# ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИ – ФЕРМЕР МАСЪУЛИЯТИ

## *БУНИНГ ТИМСОЛИ ҲАР БИР АГРОТЕХНИК ТАДБИРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ВА СИФАТЛИ ЎТКАЗИШДА, ДАЛА ЗАҲМАТКАШЛАРИ УЧУН ЗАРУР ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШДА КЎРИНАДИ*

**Бу йил баҳор саховатли келди. Ҳамалнинг илиқ кунларидан унумли фойдаланиб, чигит экишни барвақт тугалладик. Уруғни тупроқнинг табиий намига ундириб олдик. Айни пайтдаги вазифамиз биринчи ва кейинги ишловларни ўз вақти ва маромида ўтказишдир. Дарвоқе, биринчи ишловни бундан кейинги барча агротехник тадбирларнинг пойдевори, дейиш мумкин. Шундай экан, ҳар бир механизатор биринчи ишлов — биринчи культивациялашни сифатли ўтказиши, бунда культиваторнинг ишчи қисмларини тўғри танлаб, қатор ораларига тўғри жойлаштириши, тракторни секин ҳайдаб, қатор ораларини саёз юмшатишга эришиши лозим.**

**Тинчлик БЕРДИБЕКОВ,**
*Зафаробод туманидаги «Ғанижон» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими.*



Тўғри, бу, барча дала учун бирдек мақбул қўлланма эмас. Бу йилги тез-тез ёмғир ёғиб турган шароитда тажрибали механизаторлар культиватор ишчи қисмларини қўллашда даланинг қатқалоғи, бегона ўтлар кўп-озлиги, тупроқ тури ва зичлиги каби омилларни ҳам эътиборга олишиб, ўз культиваторларини ротацион юлдузчалар, пичоқлар ва ўқ-панжалар билан қуроллантириб, ишлатишяпти. Ҳатто, чуқур юмшаткичлардан фойдалаётганлар ҳам бор.

Биз ўз фермер хўжалигимизда культиваторнинг ҳар қатор оралиғига икки жуфтдан ротацион юлдузчалар, тўртта пичоқ ва биттадан ўқ-панжа ўрнатиб ишлатаётирмиз. Четки қатор ораларига эса биттадан жуфтланган юлдузча ўрнатганмиз. Механизаторимиз Шокиржон Бердибеков ротацион юлдузчаларни ғўза тубидан 4-5 сантиметр чуқурликда юмшатишига мослаб ўрнатган. Пичоқлар эса, ғўзалар тубидан 10-11 сантиметр масофадан ўтиб, 7-9 сантиметр чуқурликда юмшатади. Жами ишчи қисмларини 32 та қилиб ишлатаяпти. Ер шароитига қараб яна тўртта ишчи қисмлари қўшиш яхши самара беради.

Биз меҳнат қилаётган Зафаробод тумани ерлари асосан қум ва қумоқ тупроқли ерлар бўлгани учун сурункали ёмғирли шароитда ҳам қатқалоқ хавфи бирмунча кам. Лекин ҳамма фермерлар даласида ҳам қатқалоқ хавфи йўқ, деб бўлмайди. Агар фермерлар даласида қатқалоқ ҳосил бўла бошласа, тупроқнинг устки қавати қуримасидан, культиваторнинг биринчи ишчи жуфтлигига ротацион юлдузчалар ўрнатиш ёки мотигалар қўшиб, бир-икки кун ичидаёқ юмшатишни маслаҳат берардик. Акс ҳолда, қатқалоқ қалинлашиб, кўчатларга зарар етказиши, сийраклаштириб қўйиши мумкин. Ҳали уруғ нишламаган ва кўкармаган далаларда қатқалоқ зарарининг олдини олиш учун кечки салқин пайтларида мотигалар ёки «зиг-заг» сихмолаларнинг ортки икки қатор тишлари ерга теккизилган ҳолда қатқалоқ юмшатилиши зарур.

Маълумки, ғўза қатор ораларини культивациялаш тупроқнинг ҳайдов ости ғоваклигини ва иссиқ ҳаво киришини таъминлаб, ниҳолларнинг тез ривожланиши ҳамда касалликларга чидамини оширади. Шунинг учун ниҳоллар 65-70 фоиз униб чиққан майдонларда, яъни қаторлар аниқ кўзга ташланганда қатор ораларига зудлик билан ишлов беришни бошлаш лозим. Бунда культиватор ишчи органлари тўлиқ бўлиши, қатқалоғи кучли жойларда ишчи органлари ёнига махсус ясалган РОР ўрнатилиши мақсадга мувофиқдир. Ишловдан сўнг қатор ораларини алоҳида чизель-культиватор ёрдамида 20-25 сантиметр чуқурликда юмшатиб чиқилса, қаторлар ичидаги зах тезроқ кетиб, илдизлар чириши касаллигининг олди олинади.

Биринчи культивациялаш сифатли ўтказилса, униб чиқмаган 20-25 фоиз уруғлар ҳам тезда униб чиқади, тупроқ майин, донадор бўлиб, илдиз тизимининг яхши ривожланишига ёрдам беради.

Кейинги ёғингарчиликлар далаларда бегона ўтлар кўпайиши эҳтимолини ҳам вужудга келтирди. Шунинг учун бегона ўтга қарши кураш чоралари ҳозирдан қўлланилиши талаб этилади. Бу чоралар эса, ишчи кучларини кўпайтириш, культиваторларга пичоқ ўрнатиш ва бошқалардир. Бегона ўтлар кўриниб қолган пайкалларда культиватор ишчи қисмларини шундай мослаш керакки, токи, улар қатор ораларини юмшатиш давомида бегона ўтларни қирқиб нобуд этсин, қирқилмай қоладиган қисми устига тупроқ бостириб кетсин. Ажриқ, қамиш, ғумай, шўра сингари кўп йиллик бегона ўтлар бош кўтара бошлаган пайкалларда ҳозирдан майда чопиқ ташкил этиш керак. Умуман, ҳозирги бегона ўтлар майдалигидаги чопиқ уларнинг кўпайиши олдини олади.

Деҳқончилик маданияти, хусусан, дала маданияти деганда фермер агротехник тадбирларни сифатли ва вақтида ўтказиш билан бирга, дала меҳнаткашлари, айниқса, сувчи, механизаторларга даланинг ўзида, шийпонда дам олиш, овқатланиш, шунингдек, бошқа маданий-маиший шароитларни ҳам яратишни тушуниш лозим. Бу борада ҳам раҳбарлар томонидан алоҳида эътибор қаратилиши ишимиз ривожига омил бўлмоқда.

АГРОМАСЛАҲАТХОНА

**Деҳқонларимизда шундай ибора бор: йил-йилга ўхшамайди. Омилкорларгина ҳар қандай шароитда мўл ҳосил етиштиради. Бу йилги об-ҳаво шароити ҳам ўзгача келмоқда. Март ойининг охири, апрелнинг бошидан ёққан ёмғир ва апрель ойидаги анчайин салқин иқлим чигит униб чиқишини ортга сурди.**

# ҲОСИЛ БЕРМАГАН ҒЎЗАНИНГ БЕГОНА ЎТДАН ФАРҚИ ЙЎҚ

## ШУ БОИС ЯГАНАНИ МАҚБУЛ МУДДАТДА СИФАТЛИ ЎТКАЗИШ ДАРКОР

Бунинг устига, айрим жойлардаги қатқалоқ деҳқонлар ташвишини кўпайтирди. Пахтакорлар бу жараёнда омилкорлик билан иш юритиб, замонавий фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни қўлламоқдалар.

Ғўза яхши ривожланишида дастлабки ишлов ва культивацияни, яганалашни сифатли ўтказишнинг ҳам аҳамияти катта.

Ушбу тадбирни ғўза 1-2 чинбарг чиқарганда ўтказиш энг самарали ҳисобланади. Тажрибалар шуни кўрсатадики, яганалаш 3-5 кун кечиктириб ўтказилса, ҳосилдорлик 3-4 центнерга камаяди. Сифатсиз ўтказилганда эса кўчат қалинлиги юқори бўлади. Натижада ниҳол сув, озуқадан меъёрида фойдалана олмайди.

Яганалаш мақбул муддатларда ўтказилган майдонларда ғўзанинг ўсиш ва ривожланиши жадаллашади, озиқа моддалар билан таъминланиши ошади, эртаги мўл ва сифатли ҳосил етиштирилади. Ушбу тадбир ўз муддатида ўтказилса, гоммоз, илдиз чириш касалликлари олди олиниб, ғўза яшнайди, илдизи чуқурроқ ботиб, сувсизликка чидамлилиги ошади, обиҳаётни 10-15 фоиз тежаш имкони юзага келади.

Ўтказилган илмий тажрибаларда кўчат қалинлиги ортиши билан асосий поя, ҳосил шохлари ва элементларининг камайиши, биринчи ҳосил шохининг анча юқоридан чиқиши, гуллаш ва кўсакларнинг очилиши кечикиши кузатилди.

Далада ғўза туплари ортиқча қолдирилганда мавжуд ғўза тупларининг 10-15 фоизи мутлақо кўсак тугмаган, тупда 1-3 кўсак бўлгани исботланган.

Ҳосил бермаган ғўзанинг бегона ўтдан фарқи йўқ. Негаки, бегона ўт рисоладагидек ўсадиган ғўзага қандай зарар етказса, ҳосил бермаган ғўза ҳам айнан шундай зарар келтиради. Булар туфайли ердаги намлик 2-3 баравар тез буғланиб, ғўза 5-6 кун олдин чанқайди.

Ғўза тупларининг қуйи ва ўрта қисмларига кун бўйи қуёш нурлари тушиб турса, фотосинтез жараёни тезлашади. Ғўза баравж ривожланади.

Кўп йиллик тажрибалар ёруғлик таъминотининг озгина бўлса-да ёмонлашиши, ҳосил элементларининг кўплаб тўкилишига сабаб бўлишини кўрсатади. Соат 5 дан 12 гача ўсимлик минерал моддалардан тортиб қўйилса, ҳосил элементлари тўкилмайди, лекин қисқа муддатга ёруғликдан маҳрум қилинса, улар тўкилади. Чунки ғўзада фотосинтез жараёни секинлашади.

Бу камчиликни бартараф этишга деҳқон фақат ғўза қалинлиги мутаносиблигини ва уларни тўғри жойлаштиришни таъминлаш билангина эришади. Ҳатто бир туп ғўзанинг ўзида ҳам барглар сони ортиб кетса, улар бир-бирини соялаб қўяди. Сояда қолган барг ҳаётий зарур моддаларни тайёрловчи эмас, балки уларни ўзлаштирувчига айланади.

Далаларнинг ҳолатига қараб, кўчатлар қалинлиги қуйидагича бўлиши тавсия этилади:

– ер ости сувлари чучук ва ер юзасига яқин жойлашган ўтлоқ ва ўтлоқи ботқоқ тупроқларда, яъни ғўза яхши ўсадиган пайкалларда 80-90 минг (қатор оралиғи 90 см., кенгликда экилган ерларнинг ҳар погонметрида 7-8 туп; 60 см.лида 5-6 ) туп;

– унумдорлиги ўртача бўлган ерларда 100-110 минг туп;

– ғўза баланд бўлиб ўсмайдиган, қумоқ ёки шағал ва қум қатлами ер бетига яқин жойлашган ерларда гектарига 120-130 минг туп кўчат қолдириш лозим.

Бу тадбирларни фермер хўжалигининг мутахассис ва тажрибали пахтакорлари, юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар бир дала ёки участканинг ўзига хос тупроқ, экилаётган навнинг хусусиятларини қатъий ҳисобга олган ҳолда амалга оширишлари, ғўза туплари қалинлигини табақалаштирилган ҳолда белгилашлари зарур. Шунда қуёш нури ва ер-сув ресурсларидан мўл, эртаги ҳосил етиштириш учун юқори даражада фойдаланишга замин яратилади.

Шуни унутмаслик керакки, ўз вақтида ва сифатли ўтказилган тадбир ҳосилдорликни ошириши билан бир қаторда, ҳосилнинг сифати юқори бўлишини таъминлайди

**Ренат НАЗАРОВ,**
**Қишлоқ хўжалик фанлари доктори.**

Самарқанд Вилояти

**Самарқанд шаҳрида “Ўзбекистонда сайлов жараёнларини янада демократлаштиришнинг долзарб масалалари” мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.**

# ОШКОРАЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси мутахассислари, вилоят, туман ва шаҳарлар сайлов комиссияларининг раислари ҳамда сиёсий партиялар ҳудудий кенгашлари фаоллари иштирок этди.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш жараёнида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари кафолатланган сайлов тизими шакллантирилган. Бунинг учун демократик мезонларга мос қонунчилик ва ҳуқуқий база яратилган.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси асосида сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан бир қатор қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилди. 2012 йил 19 декабрда қабул қилинган “Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун бу жараёнда янги босқични бошлаб берди. Ўзбекистон Республикасининг сайловларга оид қонун ҳужжатларига бир қатор ўзгартишлар киритилиб, такомиллаштирилди. Бу сайлов жараёнларини янада демократлаштиришга хизмат қилади.

**Акбар ҚАРШИЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

# ЮТУҚЛАР НАМОЙИШИ ВА ҲАМКОРЛИК МАЙДОНИ

**(Боши 1-саҳифада)**

Мазкур ярмаркада қатнашиш барча иштирокчиларга ўз маҳсулотларини намойиш этиш, ишлаб чиқаришнинг техник янгиликлари, бир-бирига яқин тармоқ ва корхоналарнинг ютуқлари билан танишиш, яқин келажакдаги эҳтиёжларни аниқлаш имконини беради. Мисол учун, ўтган йили “Кварц” акциядорлик жамияти Қўнғирот сода заводи билан кальцийланган сув етказиб бериш учун шартнома тузган эди.

“Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компанияси бўлимлари, хусусан, ҳаракатланувчи таркибни таъмирлаш ва модернизация қилишга ихтисослаштирилган “Қуюв-механика заводи” шўъба корхонасида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ҳамда технологик қайта жиҳозлаш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда. Бу ерда Маҳаллийлаштириш дастури бўйича янги вагонлар ишлаб чиқариш, пўлат қуйиш, ҳаракатланувчи таркиб ҳамда йўлларнинг устки тузилиши учун эҳтиёт қисмлар, деталлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Завод ўз маҳсулотлари билан бошқа тармоқларни ҳам таъминламоқда. Хусусан, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тузилмаларига насосларнинг эҳтиёт қисмлари, металл конструкциялар, сув беркитиш арматуралари, юк кўтариш механизмлари ҳамда кранлар етказиб бермоқда.

Ярмарка иштирокчиларида, айниқса, қуёш энергияси асосида ишловчи электроэнергия ишлаб чиқариш ҳамда сув иситиш мосламалари катта қизиқиш уйғотмоқда.




Асқар ЁҚУБОВ (ЎзА) олган суратлар.

Бу борада “Mir Solar” ишлаб чиқариш корхонаси Ўзбекистон бозорида етакчилардан ҳисобланади.

— Корхонамиз бир неча йилдирки гелиоэнергетик ва иссиқлик мосламаларини ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Бу борада катта тажрибага эгамиз ва бугунги кунда ички бозорда самарали фаолият юритиб келяпмиз, — дейди корхона вакили Отабек Шукруллаев. — Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизнинг барча эҳтиёт қисмлари, қурилмалари ўзимизда тайёрланади. Хориждан фақатгина қуёш панелларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган кремний хомашёси келтирилади. Яқинда Президентимизнинг соҳани ривожлантиришга доир фармони эълон қилинди. Шубҳасиз, бу соҳанинг янада ривож топишига катта туртки бўлади. Билишимча, ҳозирда кремний хомашёсини ҳам ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масаласи кўрилмоқда. Агар шундай қилинса, катта қулайлик яратилиб, маҳсулотларимиз таннархи анча арзонлашган бўларди.

Ярмарка ана шундай қизғин ва ишчан руҳда ўтмоқда.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

# АГРАР СЕКТОР ҚОНУНЧИЛИГИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

**Президентимиз раҳнамолигида юртимиз иқтисодиётининг асосий тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш, мавжуд илмий салоҳият ҳамда фан ютуқларидан унумли фойдаланган ҳолда юқори самарадорликка эришиш, пировардида аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, соҳада қайта ишлаш саноатини такомиллаштириш ва экспорт ҳажмини ошириш юзасидан изчил ислоҳотлар олиб борилмоқда. Аграр сектор субъектларининг эркин ва фаол фаолият юритишлари учун қулай имкониятлар яратилиб, соҳанинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда, қонуний-меъёрий ҳужжатлар такомиллаштирилмоқда. Мазкур ҳуқуқий ислоҳотлар жараёнида эса Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси ҳиссаси салмоқли бўлмоқда.**

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясидаги қишлоқ хўжалигига доир қонун ижодкорлигини кучайтириш юзасидан белгиланган аниқ чора-тадбирлар ижросининг таъминланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда “2012–2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”ги Қарори асосида соҳага оид қонунчилик янада чуқурлаштирилди. Бу борада Қўмита томонидан “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги, “Ўсимликлар карантини тўғрисида”ги, “Селекция тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, “Ветеринария тўғрисида”ги (янги таҳрирда), “Мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантириш жадаллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, “Асаларичилик тўғрисида”ги, “Қишлоқ хўжалигида кооперация тўғрисида”ги қонун лойиҳалари устида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Қўмитадаги ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари томонидан қонун ташаббускорлиги асосида “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича аниқ мақсадли чора-тадбирлар белгиланди.

Ўтган ҳисобот даврида 13 та Қўмита эшитуви ўтказилиб, унда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси, “Ўзстандарт” агентлиги, Савдо-саноат палатаси, Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази ҳамда Мева-шарбат, боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш корпорацияси раҳбарларининг амалга оширилган ишлар юзасидан ахборотлари тингланди.

2012 йилги назорат-таҳлил фаолияти ҳамда қўмита эшитувлари асосан соҳага оид қонуности ҳужжатлари билан ишлаш масалаларига қаратилди. Ушбу тадбирларда қабул қилинган тавсияларга мувофиқ “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги, “Давлат кадастрлари тўғрисида”ги, “Ветеринария тўғрисида”ги, “Наслчилик тўғрисида”ги Қонунларда белгиланган ҳавола нормалар асосида 50 дан ортиқ қонуности ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилди. Шунингдек, 2010–2012 йиллар давомида аграр соҳага оид ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаб бориш, қонун ҳужжатларини ҳаётга татбиқ этишнинг процессуал механизмларини яратиш, янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, соҳадаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш масалаларига бағишланган 130 дан ортиқ конференция, семинар, давра суҳбати, амалий учрашув ва бошқа тадбирлар ташкил этилди. Улар асосида 380 дан зиёд асослантирилган таклифлар ишлаб чиқилди. Муҳими, ушбу таклифларни ишлаб чиқишда бевосита амалиётчиларнинг муносабатлари, фикр-мулоҳазалари чуқур ўрганилиб, улар томонидан билдирилган асосли таклифларнинг қонун лойиҳаларига киритилишига алоҳида аҳамият қаратилди.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси ҳамда Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати ҳамкорлигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар жараёнида аграр соҳа қонунчилигини такомиллаштириш масалаларига бағишланган Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар билан боғланган ҳолда видеоконференция шаклида ташкил этилган он-лайн матбуот анжуманида шулар хусусида атрофлича маълумот берилди.

Шунингдек, анжуман доирасида Қўмита томонидан тайёрланган аграр соҳага доир қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Фармойишлари, тегишли вазирлик ва идораларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари жамланган “Ўзбекистон Республикасининг аграр қонунчилиги” номли китоб ва Қўмитанинг 2010–2012 йиллардаги асосий фаолият йўналишлари якунлари ҳамда 2013 йилга режалаштирилган устувор вазифалари киритилган икки қисмдан иборат махсус Ахборотнома тақдимоти ҳам ўтказилди.

**Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

# Qishloq Qurilish Bank

# БУЮК МАҚСАДЛАРГА КАМАРБАСТАЛИК

## «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ТОМОНИДАН ЙЎНАЛТИРИЛАЁТГАН САРМОЯЛАР МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

*Президентимиз шу йил 16-17 апрель кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган "Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили" мавзуидаги халқаро конференциядаги нутқида таъкидлаганидек, мамлакатимизда эришилаётган ютуқларнинг муҳим омилларидан бири – мамлакатимиз молия-банк тизими барқарор ва ишончли фаолият юритиб келаётганидир.*

Ҳали-ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатлари сақланиб қолмоқда. Айни шу жараёнда молия муассасалари, хусусан, банклар катта аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда банк капиталининг етарлилик даражаси 24 фоизни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич дунёда умумий қабул қилинган халқаро стандартлардан 3 баробар кўпдир. Ўтган йил якуни бўйича эса банк тизимининг ликвидлиги талаб этиладиган энг кам даражадан 2 баробар юқори бўлди. Ана шу ўсиш суръатлари халқаро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилаётир. Хусусан, ўтган йили мамлакатимизнинг 28 та тижорат банки ижобий халқаро рейтингга эга бўлди. Ҳолбуки, 2010 йилда бу кўрсаткич 13 тани ташкил этганди.

"Қишлоқ қурилиш банк" ОАТБ ҳам ана шундай – буюк мақсадларга камарбаста бўлаётган, эзгу ишларни молиялаштираётган, истиқболли лойиҳаларга сармоя ажратаётган молия муассасаларидан биридир. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишларни сарҳисоб этганимизда ҳам бунга амин бўламиз.

Ўзининг 42 та филиал ва 236



дан ортиқ шохобчалари орқали 330 мингдан ортиқ мижозга кенг кўламли банк хизматлари кўрсатиб келаётган ушбу молия муассасаси жамоасининг банк капиталлашув даражасини ошириш борасида амалга оширилган ишлари натижасида банкнинг регулятив капитали йил бошига нисбатан 3,8 фоизга ошди. Банк капиталининг етарлилик даражаси 20,6 фоизни ташкил этди. Банкнинг кредит қўйилмалари эса жорий йил бошига нисбатан 4,7 фоизга ўсди. Жами кредит қўйилмаларининг 7,1 фоизи саноат, 6,4 фоизи савдо ва умумий овқатланиш, 5,6 фоизи қурилиш ва транспорт, 3,3 фоизи қишлоқ хўжалиги тармоқларига йўналтирилган бўлса, қолган қисми имтиёзли ипотека кредитлари ва иқтисодиётнинг бошқа турли соҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилди. Осиё тараққиёт банкининг "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини молиялаштириш" лойиҳаси кредит линияси доирасида 178,8 миллион АҚШ доллари эквивалентига тенг миллий валютада 342,4 миллиард сўм миқдорида маблағлар жалб қилинди ва 331,7 миллиард сўми уй-жойларни молиялаштириш учун ажратилди.

Энг муҳими, ушбу рақамлар ортида мижоз манфаати, тадбиркорларнинг истиқболли лойиҳалари, янги иш ўринлари, юрт фаровонлиги, пировардида эса иқтисодий юксалиш намоён бўлиб турибди.

### ИШБИЛАРМОНЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун қулай ишбилармонлик муҳити яратиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётир. "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун". Ушбу тамойил ҳам юртимизда тадбиркорлар учун қулай ишбилармонлик муҳити яратилганлигининг ёрқин намунасидир.

Ҳисобот даври давомида кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар ўтган йил шу даврига нисбатан 36,1 миллиард сўмга ортиб, 2013 йил 31 март ҳолатига кўра, 98,3 миллиард сўмни ташкил этди. Натижада банк томонидан барча манбалар ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳисобига 2229 та янги иш ўрни яратилди.

Банк филиаллари томонидан ҳисобот даврида аҳолининг фаол қисмига ўз бизнесини ташкил этишлари учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида ажратилган микрокредитлар миқдори 26,9 миллиард сўмни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 баробарга ошди.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида замонавий, юқори унумли техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни барпо этиш, шу асосда янги иш жойларни ташкил қилиш, аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида банк томонидан қарийб 18,7 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.

Юртбошимизнинг 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида банк мижозлари томонидан рақобатбардош, юқори сифатли ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва турларини кенгайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини улар билан бойитиш, тайёр ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи янги, маҳаллий корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадида банк томонидан ажратилган кредитлар жами 24,4 миллиард сўмни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 13,6 миллиард сўм ёки 2,2 баробарга ортди.



Ҳисобот даврида Президентимизнинг 2009 йил 29 январдаги "Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори асосида ташкил этилган, банк томонидан молиялаштирилган 2012 йил Дастури асосида қурилаётган намунавий уй-жойлар қурилишида иштирок этаётган ихтисослаштирилган пудрат ташкилотларига 2,2 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди.

Молия муассасасининг барча филиалларидаги "Тадбиркорлар хонаси"да маслаҳат ва зарурий маълумотлар бериш мақсадида юқори малака ва тажрибага эга бўлган масъул ходимлар ишлаб турибди. Фуқароларнинг фикр – мулоҳаза ва эътирозлари мунтазам ўрганиб борилмоқда.

Ана шундай фикрлардан бири Гулистондаги "Аланга кўмак файз" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Дадахон Дадаев томонидан билдирилди. У раҳбарлик қилаётган жамият жамоаси аҳолига сифатли такси хизмати кўрсатиб келмоқда. Яқинда ушбу жамиятга 30 та янги автомашина олиб келинди. Фаолият кенгайди. Айни пайтда бу ерда 50 нафар ҳайдовчи йўловчилар узоғини яқин қилишмоқда.

– Ишимиз ривожида биз тадбиркорларга яратилган шароит ва имкониятлар қўл келмоқда, – дейди жамият раҳбари Дадахон Дадаев. – Фаолиятимиз кенгайишида "Қишлоқ қурилиш банк" бизга мададкор бўлди. Банк кредити билан 30 та "Нексия" автомашинаси олиб, аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ва тезкорлигини оширдик. Келгусида ҳам режаларимиз кўп. Уларни амалга оширишда ҳам банк мададига суянамиз.

Ҳа, бугун кўплаб тадбиркорлар "Қишлоқ қурилиш банк"нинг молиявий мададидан баҳраманд бўлиб, иш бошламоқда, фаолиятларини кенгайтирмоқда.

### ОБОДЛИКДАН МУНАВВАР ДИЛЛАР

Истиқлолнинг илк йиллариданоқ Ватанимизни обод қилиш, турмушимизни фаровонлаштиришга қаратилаётган эзгу ишлар силсиласи узвий давом эттириб келинмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2013 йилнинг "Обод турмуш йили" деб эълон қилингани ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.

Ўзбекистонимиз демократик янгиланиш йўлидан дадил одимлаб, замонавий кўптармоқли иқтисодиёти тараққий этмоқда. Энг муҳими, одамларнинг онгу тафаккури, дунёқараши ўзгарди. Оиласини, маҳалласини обод этиб, юрт тараққиётига, эл маъмурчилигига муносиб улуш қўшиш туйғуси шаклланди.

